

Тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида

18.12.2021 - сонли ҳисоб-шартнома

«23» декабрь 2021 й.

Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси номидан Академия ректорининг 2020 йил 16 декабрдаги 155-сон буйруғи асосида иш юритувчи биринчи проректор X.Азизов (кейинги ўринларда - Академия) ва _____ асосида иш юритувчи _____ (юридик шахснинг номи)

номидан Бошқарувчи Сертификат № Х (рахбарнинг Ф.И.Ш., лавозими)

(кейинги ўринларда - Ташкилот) куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

1-боб. Шартноманинг предмети

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сонли Фармони ҳамда 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3901-сонли Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда Академия ва Ташкилот ўртасидаги келишувга асосан АТБ “Халқ банк” ходимлари малакасини ошириш бўйича “Коррупцияга қарши кураш” мавзусида 60 соатлик маҳсус ўкув дастури бўйича ўқитади ҳамда Ташкилот ўз навбатида мазкур шартноманинг 4.1. ва 4.2.-бандларида белгиланган маблағларни Академияга тўлаш мажбуриятини олади.

2-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

куйидаги тингловчи(лар)ни белгиланган муддатгача маҳсус ўкув дастури бўйича ўқишга йўналтириш;

№	Тингловчининг исми, отасининг исми ва фамилияси (ёки уларнинг сони)	Ўкув курсининг умумий соати	Ўкув курсининг муддати	Ўкув курсининг суммаси (бир нафар тингловчи учун)	Ўкув курсининг суммаси (жасами)
1	2	60	декабрь	1 695 277	3 390 554

мазкур шартноманинг 3.1.-бандида келтирилган жами пул маблағларини Академиянинг шахсий ҳисоб рақамига ўтказиш(тўлаш);

тингловчи(лар)нинг Академияда ўрнатилган ички тартиб, одоб-ахлоқ қоидаларига ҳамда кийиниш маданиятига қатъий риоя қилиш(лар)ини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш; тингловчи(лар)нинг ўкув жараёни билан танишиш ва тегишли тавсиялар бериш.

2.2. Академиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

мазкур шартноманинг 2.1.-банди асосида Академияга тингловчи(лар)ни ўқишга қабул қилиш; ўкув жараёнини малакали профессор-ўқитувчилар ва етук амалиётчи-мутаҳассислар томонидан олиб борилишини таъминлаш;

тингловчиларни тарқатма материаллар, хусусан, уларнинг электрон вариантлари билан таъминлаш ва ўқишни замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб борилиши учун шароит яратиш;

ўкув жараёнларининг якунида маҳсус ўкув курсини муваффақиятли тамомлаган тингловчи(лар)га Сертификат тақдим этиш.

3-боб. Шартноманинг бажарилиш шартлари

3.1. Академия белгиланган тартибда ўкув жараёнларини ташкил этиб, Академиянинг Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ҳудудий филиаллар билан ишлаш факультети тингловчиларнинг давоматини ва маҳсус ўкув курсини ўзлаштиришини назорат қиласи. Агар тингловчи мунтазам дарсга кеч келса ёки 2 кун давомида дарсга узрли сабабларсиз қатнашмаса ёхуд маҳсус ўкув курсини тўлиқ якунламаса, у Академия тингловчилари сафидан чиқарилади ҳамда ўқиш жараёни учун ўтказилган пул маблағлари Ташкилотга қайтарилмайди.

3.2. Тингловчи(лар) ўқиш учун белгиланган пул маблағларини мазкур шартномада белгиланган муддатларда Ташкилот томонидан Академиянинг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказилиши учун масъул бўлиб ҳисобланади.

3.3. Ўқиш учун белгиланган пул маблағлари мазкур шартноманинг 4.2-бандида белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаб берилмаса, Академия томонидан тингловчига Сертификат берилмайди.

4-боб. Ўқиш учун тўлов миқдори ва тўлов тартиби

4.1. Ўқиш учун тўлов миқдори ҳар бир тингловчи учун 1 695 277 сўмни ташкил этиб, шартноманинг умумий суммаси 3 390 554 (ч 1 миллион ч 100 000 сўмни) тартиб этилганда мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказилади.

4.2. Ўқиши учун тўлов шартнома иловасидаги калькуляцияга мувофиқ, мазкур шартнома ташкилот томонидан имзоланган кундан эътиборан 5 иш куни ичида **100% олдиндан тўлов** тарзида амалга оширилади.

4.3. Ўқиши учун тўлов амалга оширилгандан сўнг, Академиянинг расмий огоҳлантиришларига қарамасдан Ташкилот тингловчини белгиланган муддатда ўқишига келишини таъминламаганда ёки тингловчининг ўқишини тўлиқ тугатмаган ҳолларида ўқиши учун ўтказилган пул ташкилотга қайтарилмайди.

4.4. Республикадаги иқтисодий ўзгаришларни, яъни норматив-хукукий хужжатларнинг қабул қилиниши муносабати билан иш ҳақи ва бошқа тўловлар ўзгарганда Академия мустақил равишда шартномага оид тўлов микдорини қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгариради.

4.5. Мазкур шартноманинг 4.1. ва 4.2-бандларига асосан ўқиши учун тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Ташкилот Академияга ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг қунлик 0,4% микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50% идан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўланади.

4.6. Мазкур шартноманинг 2.2.-бандига асосан хизматлар (мажбуриятлар) бажарилмаган тақдирда, Академия томонидан Ташкилотта шартномада кўрсатилган тўлов суммасининг қунлик 0,4% микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% дан ошмаган микдорда печя тўланади.

5-боб. Шартномани ўзгариши ва бекор қилиш тартиби

5.1. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва икки томонлама имзоланган бўлсагина қонуний кучга эга бўлади;

5.2. Томонларнинг ўзаро келишувига биноан мазкур шартнома муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

6-боб. Мунозараларнинг ҳал қилиниши

6.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган барча мунозаралар ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал этилади. Томонлар ўзаро муросага кела олмасалар, мунозаралар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда Тошкент шаҳридаги иқтисодий судлар томонидан ҳал этилади.

7-боб. Шартноманинг амал қилиш муддати

7.1. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб кучга киради за 2021 йил 31 декабргача амал қиласди. Шартнома муддатининг тугаши томонларни мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

7.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада (ҳар бир томон учун бир нусхадан) давлат тилида тузилди.

8-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

ИЖРОЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги

Давлат бошқаруви академияси

Манзил: 100066, Тошкент ш., Ислом Каримов

кўчаси 45-ўй

Телефон: 71-232-61-19, факс: 71-239-17-07

Ш/х: 400110860262947094100046001

СТИР: 201334685, ИФУТ: 85420

Ғазначилик бўлинмасининг номи

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ғазначилиги

Ҳисоб-китоб ҳисобварақ рақами:

ЯФХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмаси

СТИР: 201122919

Биринчи проректор

X.Азизов

M.Ў.

БУЮРТМАЧИ

ГОУ Народного банка РУз.

г. Тошкент, ул. Катартол дом 46.

Р/С:

в ГОУ Народного банка РУз.

Код банка: 01425; ИНН: 207 215 726;

ОКЭД: 64190



(Ф.И.Ш.)